Ушбу сонда:
2 СОҒЛОМЛАШТИРИШ - КАСАБА УЮШМАЛАРИ ОТАЛИҒИДА
3 TV - ДАСТУРИ
4 *Жиноятга жазо муқаррар* ОЛТИНФУРУШЛАР ТУЗОҚҚА ИЛИНДИ

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ - ОЛИЙ БАХТ
UZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI
FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2000 йил 25 июл, сешанба №106 (938)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

*Олдимизда турган вазифалар ўта мураккаб ва долзарб. Уларни зудлик билан ҳал этиш лозим. Мен аминманки, биз бу муаммоларнинг ечимини топиб, иқтисодиётни эркинлаштириш, унинг изчил ва барқарор ўсиши, халқимизнинг турмуш даражасини ошириш учун мустаҳкам пойдевор ярата оламиз.*

*2000 йилнинг биринчи ярми якуни бизнинг ўз мақсадларимизга эришиш учун ислоҳотлар йўлидан ишонч ва қатъият билан бораётганимизни кўрсатиб турибди.*

**Ислом КАРИМОВ.**

## ИСЛОҲОТЛАР ЙЎЛИДАН ИШОНЧ ВА ҚАТЪИЯТ БИЛАН

**Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг Вазирлар Маҳкамасининг 21 июл куни бўлиб ўтган мажлисидаги маърузаси мамлакатимиз меҳнатчилари, барча фуқаролари қалбидан чуқур жой олди. Улар юксак сафарбарлик кучига эга бўлган, ҳаётимиз дастуриламалига айланган тарихий ҳужжатни манфаатдорлик ила ўқиб-ўрганиб, ўзларига тегишли хулосалар чиқариб олмоқдалар.**

•

Давлатимиз раҳбари ўз маърузасида ширкатга айлантирилган хўжаликларнинг аҳамияти ҳақида алоҳида тўхталди. Чинданам, уларнинг аксарияти самара билан ишламоқда. Ўтган йил якунлари бўйича пай эгаларига олинган соф фойда ҳисобидан дивидентлар тўлангани ноз-неъмат бунёдкорларининг руҳини кўтарди.

Жумладан, янгиланиш йўлидан бораётган хўжалигимизда асосий эътибор ички иқтисодий механизмни ўзгартириш, такомиллаштиришга қаратилди. Лўнда ифодалаганда, расмиятчиликдан воз кечиб, ислоҳотларнинг мақсади-ю, маъно-мазмунини ҳар бир киши онгига етказишдан иборат бўлди. Энди ҳар бир пудратчи қанча меҳнат қилгани, қанча маблағ сарфлангани, ижарага олинган майдондаги ҳақиқий ҳосилдорлик даражаси қанчалигини яхши тасаввур қилади. Шу боис, пировард-натижа учун барча ўзини масъул деб билмоқда. Натижа чакки эмас. Ишловчиларнинг ойлик маошлари ўртача 11 минг сўмни ташкил этаяпти. Мустақиллик йилларида бунёдкорлик ишлари ниҳоятда жонланди. Барча шароитларга эга бўлган замонавий қишлоқ врачлик пункти фойдаланишга топширилди. Миллий услубда янги меҳмонхона қурилди. Савдо дўконлари, маданият уйи қайта таъмирланди. Қишлоқларимиз тоза ичимлик суви билан тўлиқ таъминланди, газлаштириш давом этмоқда. Натижалар ислоҳотлар йўлидан қатъият билан бораётганимизни кўрсатмоқда.

**Н.ҲОЖИЕВ,**
**Оққўрғон туманидаги Охунбобоев номли ширкат хўжалиги касаба уюшма қўмитаси раиси.**

•

Фермер — мулкдорлар синфининг истиқболли вакили. У бойиса, эл бойигани. Одил, меҳрибон Президентимиз бу гал ҳам биз - фермерларни алоҳида ёқлаб гапирдилар. Тадбиркор йўлига ғов бўлаётганлар адолатли тарзда қаттиқ танқид қилинди. Миннатдорчилигимиз шундан иборатки, Адлия вазирлиги зиммасига тадбиркорларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш вазифаси юклатилгач, уларнинг молиявий-хўжалик фаолиятига маҳаллий ҳокимият органлари ва назорат идораларининг асоссиз равишда аралашувидан ҳимоя қилиш ишлари сезиларли даражада жонланди. Текширувлар камайиб, тинч, хотиржам ишлаш, ноз-неъмат етиштириш имконига эга бўлдик.

Кези келганда таъкидлаш жоиз, баъзи ерларда деҳқон ва фермер хўжаликларини ривожлантиришга тўсиқ бўлаётган сансалорлик, тўраларча муносабат кўринишлари оз бўлса-да, содир этилмоқда. Президент маърузасини ўқиган мутасаддилар шубҳасиз ўзларига тўғри хулосалар чиқариб олдилар.

Фермерлик ҳаракатига қўшилиб, кам бўлмадим. 105 гектар еримиз бор. Ўтган йили 10 миллион сўмдан ортиқ соф даромад қилган эдик. Шунинг ҳисобидан янги техника сотиб олдик, моллар бош сонини кўпайтирдик, янги бинолар қурдик. Бу йилги натижа янада қувончли бўлади.

**М.ҲАМИДОВ,**
**фермер, Бўстонлиқ тумани.**

•

Вазирлар Маҳкамаси мажлисида жуда тўғри савол ўртага қўйилди: банк хусусий мижоз билан ишламаса, унинг хусусий банклиги қаёқда қолди? Ҳозирги кунда банклар олдидаги муҳим вазифалардан бири - Ўзбекистонимизда кенг кўламда олиб борилаётган хусусийлаштириш жараёнида ўз ўрнини топишдан иборат. Соҳа вакили сифатида шу нарсадан қувонаманки, кичик ва ўрта бизнес субъектларига кредит бериш тизими тобора яхшиланмоқда. Тадбиркорлар эҳтиёжи учун зарур бўлган ўз пул маблағларини нақд ҳолда тижорат банкларидан олиш муаммоси деярли ҳал қилинди. Масалан, бизнинг бошқармамиз орқали Андижон вилояти бўйича 74 та хўжалик субъектларига шу йилнинг 1 майигача 73 миллион 619 минг сўм кредит берилди. Шундан 65 миллион 112 минг сўми банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан ажратилди. Жумладан, «Тошкент» ишлаб чиқариш фирмасига 2 миллион сўм, «Эркинлик» фермер хўжалигига қорамол сотиб олиш учун 1 миллион 816 минг сўм кредит берилди. Бошқарманинг 17 та бўлимида ишбилармонлар бурчаги ташкил этилган.

**Т.РАҲИМОВ,**
**ихтисослаштирилган акционерлик тижорат «Пахтабанк»нинг Андижон вилоят бошқармаси бошлиғи.**

## ХУШХАБАРЛАР

✹Мустақиллик байрами арафасида ишга туширилиши мўлжалланган Оқдарё туманидаги «Сам-Сар» Ўзбекистон - Россия қўшма корхонаси қурилиши жадал олиб борилмоқда. У фаолият кўрсата бошлагач, йилига 800 тонна қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлайди. Энг муҳими, 150-200 нафар киши янги иш ўринларига эга бўладилар.

✹ Яқинда Самарқанд шаҳрида республика «Бизнес-инкубатори» вилоят давлат мулкини бошқариш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ҳамда товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлик палатаси билан биргаликда «Минитех-2000» кўргазмасини ўтказди. Кўргазмада вилоятдаги 30 та корхона маҳсулотлари қўйилди. Унда иштирок этувчиларни асосан кичик новвойхоналар, музқаймоқ цехлари, томчилаб суғориш аппаратлари, мини-тракторлар кўпроқ қизиқтирди. Шу куни харидорлар билан 30 миллион сўмлик шартномалар имзоланди.

**Р.ҚУРБОНОВ.**

✹Россиянинг Красноярск шаҳрида машҳур атлетикачи Иван Ярыгин совринн учун эркин кураш бўйича нуфузли халқаро турнирлардан бири ўз ниҳоясига етди. Мусобақаларда Осиё ва Европанинг 30 дан ортиқ мамлакатидан ташриф буюрган спортчилар иштирок этди.

Ҳамюртларимиз Игорь Купеев - 69 килограмм, Артур Таймазов - 130 килограмм вазн тоифаларида иштирок этиб, турнирнинг олтин медалларини қўлга киритишди.

Сидней Олимпиадасига йўлланма олган юртдошимиз Артур Таймазов олимпиада медали учун курашишга муносиб эканлигини яна бир бор тасдиқлади.

✹ Тошкентнинг Собир Раҳимов туманида қад ростлаётган улкан кўприк пойтахтимиздаги кўприклар орасида энг кўркам ва узуни бўлади.

Кўприк «Тошметроқурилиш» бунёдкорлари томонидан тикланаётир. Трест қурувчилари ўтган йили Мустақиллик байрами арафасида Аҳмад Дониш ва Амир Темур кўчалари кесишган жойда мазкур йўналишдаги иккинчи кўприкни топширган эдилар. Биз таърифини қилмоқчи бўлган «полвон» кўприк эса Аҳмад Дониш кўчасидаги кўприклар силсиласида учинчи салобатли кўприк бўлади. У Олмаота йўналишидаги темир йўл устига қурилган иккинчи кўприкдан бошланади-да, 1151 метр масофага чўзилган ҳолда Абдураҳмонов кўчасига чиқади ва деярли Собир Раҳимов кинотеатри ҳудудидагача етиб боради.

— Бир нарсани алоҳида қаламга олиб қўйишингизни илтимос қиламан, - дейди «Туркистон-пресс» мухбири билан бўлган суҳбатда «Тошметроқурилиши» тресги бошқарувчиси Шокир Солихўжаев, — баъзи бир оммавий ахборот воситаларида кўприкнинг кенглиги 15 метр деб нотўғри кўрсатиляпти. Фақат бир томонининг кенглиги 15 метр. Иккала йўналишдаги кенглиги эса, табиийки, 30 метрдир. У ишга тушгач, машиналар бир томонлама 3 қатор, иккала томонга эса жами 6 қатор бўлиб ҳаракат қила бошлайдилар.

Бу салобатли кўприкнинг умумий майдони 34530 квадратметр бўлишини ҳисоблаб чиқиш қийин эмас. Ҳозиргача унинг деярли бир километр узунликдаги сатҳи ёпилди. Бу ерда «Тошметроқурилиши» трестининг 7 та қурилиш бўлинмаси қурувчилари кечаю-кундуз тиним билмай ишлаётирлар.

**9**

**ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЎЗ ИСТИҚЛОЛ ВА ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ БОР**

## Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ

### Ўзбекистон Республикаси ҳудудига истеъмол товарлари келтиришни тартибга солишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

**Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексига мувофиқ ҳамда ички бозорни истеъмол товарлари, дори-дармонлар ва тиббиёт буюмлари билан барқарор тўлдиришни таъминлаш, уларни республикага келтиришни ва божхонада расмийлаштиришни тартибга солиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қ а р о р қ и л а д и:**

1. Белгилаб қўйилсинки, 2000 йил 25 июлдан бошлаб:

Марказий банк лицензияларига эга бўлган хўжалик юритувчи субъектлар томонидан Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудига келтириладиган, шу жумладан консигнация асосида келтириладиган истеъмол товарлари, дори-дармонлар ва тиббиёт буюмлари фақат «эркин муомалага чиқариш» ёки божхона назоратида божхона омборида «вақтинча сақлаш» режимлари бўйичагина божхонада расмийлаштирилади;

Марказий банк лицензияларига эга бўлган хўжалик юритувчи субъектлар томонидан келтириладиган истеъмол товарлари, дори-дармонлар ва тиббиёт буюмларининг эркин муомала ва вақтинча сақлаш режимларида бўлиш муддати бир ойдан ошмаслиги керак;

Давлат божхона қўмитаси органлари ва божхона омборлари эгалари Марказий банк лицензияларига эга бўлган хўжалик юритувчи субъектлар томонидан белгиланган муддатларда расмийлаштирилмаган товарларнинг сақланиши учун жавоб бермайдилар.

2. Марказий банк лицензияларига эга бўлган хўжалик юритувчи субъектлар томонидан Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудига ушбу қарор чиққунгача келтирилган ва бошқача божхона режимларига жойлаштирилган истеъмол товарлари, дори-дармонлар ва тиббиёт буюмлари 2000 йил 1 сентябргача бўлган муддатда «эркин муомалага чиқариш» ёки «вақтинча сақлаш» режимлари бўйича божхонада расмийлаштирилиши керак.

3. Истеъмол товарлари, дори-дармонлар ва тиббиёт буюмларини божхона ҳудудига келтириш, сақлаш ва божхонада расмийлаштиришнинг ушбу қарорда белгиланган тартибига риоя этилиши юзасидан шахсан жавобгарлик божхона органлари раҳбарлари ва божхона омборлари эгалари зиммасига юклансин.

«Эркин муомалага чиқариш» ёки «вақтинча сақлаш» режимлари бўйича божхонада расмийлаштириш ўз вақтида амалга оширилмаган тақдирда хўжалик юритувчи субъектлар Марказий банкнинг конвертациялашда устувор ҳуқуқ берувчи лицензиясидан маҳрум қилинади.

«Вақтинча сақлаш» режими бўйича расмийлаштирилган истеъмол товарлари, дори-дармонлар ва тиббиёт буюмларини божхона омборларида сақлашнинг белгиланган муддатлари бузилган тақдирда божхона омборлари эгаларидан божхона омбори ташкил қилиш юзасидан берилган божхона органи лицензияси олиб қўйилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси:

Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудига келтирилган истеъмол товарлари, дори-дармонлар ва тиббиёт буюмларининг божхонада ўз вақтида расмийлаштирилиши устидан қатъий назоратни таъминласин;

ушбу қарор қоидалари бузилиши бўйича аниқланган ҳолларга доир ахборотни Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига мунтазам равишда тақдим этсин.

5. Белгилансинки:

Марказий банк лицензияларига эга бўлган хўжалик юритувчи субъектлар томонидан тузилган импорт контрактларини Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигида рўйхатдан ўтказиш муддати ариза тушган вақтдан бошлаб 5 иш кунидан ошмаслиги керак;

ушбу импорт контрактларини ваколатли банкларда ҳисобга қўйиш муддати 2 иш кунидан ошмаслиги, божхона органларида эса - 1 иш куни мобайнида амалга оширилиши керак.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Б.Ҳамидов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари М.Усмонов зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси** **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2000 йил 24 июл





*Жаннатмакон Ўзбекистон неъмати — эл дастурхонига*

*Вазирлар Маҳкамаси мажлисидан кейинги ўйлар*

## МАТОНАТ

### Қорақалпоғистон Республикаси меҳнатчилари сув танқислигини омилкорлик билан енгмоқдалар

Бу йил экин-тикин ишларининг, биринчи галда ерга чигит қадашнинг об-тобида ўтказилгани, кўзланганидан ҳам зиёд соғлом кўчатлар сақлаб қолинганлиги деҳқонлар қалбига қувонч бағишлади. Асосий шоличилик базаси ҳисобланган Оролбўйи ҳудудидаги юз минг гектардан ортиқ сифатли тайёрланган майдонларга шоли уруғини сепишга ҳар қачонгидан ҳам барвақт киришилди.

Бахтга қарши май ойидан эътиборан Амударёнинг қуйи қисмида сув танқислиги яққол сезила бошлади. Воҳанинг асосий қон томири - Амударёда сувнинг ғоят кам бўлиши оқибатида ғўза экилган 125 минг гектар ердаги ўсимликларнинг атиги 50 минг гектарига биринчи сув берилди, холос. Суғоришнинг бундай кўриниши июл ойининг охирги ўн кунлигида содир бўлаётгани эътиборга олинадиган бўлса, ҳосилнинг қанча қисмидан ажраб қолинганлигини ҳисоблаб чиқиш қийин эмас.

Бу йил камида 120-130 минг гектар ерга шоли экилиши режалаштирилди. Фақат 52 минг гектарга уруғлик сепилди. Бир текис униб чиққан шолипоялардаги майсаларнинг ҳозиргача 85 фоизи нобуд бўлди. Жуда кўп майдонларга экилган полиз-сабзавот, озуқабоп экинлар ҳосили ҳам хавф остида қолди.

Умуман Қорақалпоғистон Республикаси қишлоқ хўжалиги сув танқислигидан катта моддий зарар кўрди.

Юз берган вазиятни чуқур таҳлил қилиш, зарур ёрдамлар кўрсатиш мақсадида тузилган, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Б.Ҳамидов раҳбарлик қилган ҳукумат комиссияси ўзининг Урганч ва Нукус шаҳарларида бўлиб ўтган йиғилишларида мураккаб вазиятдан чиқиб олишнинг аниқ тадбирларини белгилади. Ҳозир махсус ҳукумат комиссияси қарорига биноан сув танқислиги келтириб чиқарган қийинчиликлар, машаққатлар-у муаммоларни енгиб ўтиш учун зарур кўмаклар берилмоқда. Аҳоли яшаш жойлари, биринчи навбатда шифохоналар, мактабгача тарбия муассасаларини тоза ичимлик суви билан кафолатли тарзда таъминлаш йўлга қўйилди.

Қорақалпоқ деҳқонларининг нигоҳи яқинда бўлиб ўтган 2000 йил биринчи ярми якунларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасидаги йиғилишга қаратилди. Айниқса, Юртбошимизнинг сув танқислигидан катта зарар кўрган, азият чекаётган Амударёнинг қуйи қисмидаги Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти деҳқонларига, барча меҳнаткашларига: азиз ватандошлар, биз ҳамиша сизлар биланмиз, Яратганнинг берганига шукур қилайлик, офатни мардонавор енгиб ўтайлик, бу ҳаракатда, курашда биз сизга ҳақиқий мададкормиз, дея оталарча қилган мурожаати қалбларга ўзгача кўтаринкилик бағишлади. Натижада далаларда янада уюшқоқлик билан яратувчанлик меҳнати авж олиб кетди. Ҳар бир қатра сув аниқ ҳисоб-китоб қилинган ҳолда, тадбиркорлик билан адолатли тақсимланмоқда. Диққат эътибор бир мақсадга - мавжуд ўсимликларни сақлаб қолиш, парваришни юксак савияда ўтказиб, мўл ҳосил тўплашга қаратилди. Пахтачиликда ном қозонган Амударё, Тўрткўл, Беруний, Элликқалъа ва Хўжайли туманларида ҳам, чорвадорлар элати - Бўзатовда ҳам ҳамжиҳатлик, пировард натижа учун якдил кураш изчиллик билан олиб борилаётир.

— Бу йил экилган шолининг тўртдан бирини, яъни 3 минг гектарини сақлаб қолиш, мўл ҳосил тўплаш ҳаракати яхши ташкил этилган, - дейди Қўнғирот туманининг оқсоқоллари. — Ғўзаларни суғоришда ҳам қатъий назорат ўрнатилган. Далаларда меҳнат қилаётган ўғил-қизларимиз, албатта юз берган машаққатларни мурдонавор юмушлари билан енгиб чиқади. Юртбошимиз саъй-ҳаракатлари билан тузилган ҳукумат комиссияси томонидан берилаётган кўмаклар учун эса мингдан-минг раҳмат.

Фахрийларимизнинг фикри нақадар тўғрилигини тумандаги «Кўкдарё» ширкат хўжалигида кўрдик. Йирик хўжаликлардан бири бўлган «Кўкдарё»да экинлар асосан насослар ёрдамида суғорилади, хўжалик эса каналнинг қуйи қисмида жойлашган. Шунга қарамасдан хўжалик маъмурияти, касабақўм, овул фуқаролар йиғини фаоллари елкама-елка туриб, ҳар бир тадбирни «етти ўлчаб бир кесган» ҳолда олиб бориши натижасида 3 минг гектардан ортиқ ердаги ўсимликлардан омон қолган бир ярим минг гектарида парвариш ишлари ғоят ҳамжиҳатлик билан ўтказилмоқда. Намни сақлаб қолиш мақсадида баъзи ички ариқ-зовурлар, коллекторлар сувга тўлдириб қўйилган.

— Сув танқислиги шимолий зонадаги Кегайли туманимизга ҳам катта зарар етказмоқда, - дея изоҳ беради туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғи Пирлешбой Олланиёзов. — Айниқса, апрел ойида экилган 8 минг гектар ғўза ўсимлиги катта зарар кўрди. Фактларга мурожаат қиламиз. Биз суғориш мавсумида 255 миллион 500 минг кубметр сув олишимиз зарур бўлса, шундан атиги 34 миллионини олдик, холос. Зарарнинг бир қисмини қоплаш учун бу йил ўтган йилга нисбатан икки ҳисса кўп ерга кузги буғдой экамиз. Ҳозиргача минг гектар ер шудгорланди...

Хулоса қилиб айтганда, бугун Оролбўйи ҳудудида истиқомат қилувчи ҳар бир одам ўзгача кайфиятда. Уларда ҳар қачонгидан ҳам кўра ҳамжиҳатлик ҳукмрон. Вазирлар Маҳкамасида ўтказилган йиғилишда Юртбошимиз томонидан айтилган илҳомбахш сўзлардан ўзгача руҳ олиб, ҳар ким ўзига топширилган юмушни масъулият билан адо этиш йўлида баракали меҳнат қилаётир. Энг муҳими, уларда мамлакатимиз мустақиллигининг шонли 9 йиллиги нишонланадиган йилни катта ютуқлар билан якунлашларига мустаҳкам ишонч бор.

**Абду РАҲМОН,**
**«Ишонч» мухбири.**

# Болаларни соғломлаштириш — касаба уюшмалари оталиғида

## МАЗМУНЛИ ҲОРДИҚ ТАЪМИНЛАНДИ

Бу йил Баландчақир қирлари қўйнидаги тайёр оромгоҳлардан воз кечишга тўғри келди. Сабаби биринчидан масофанинг ўта олислигида бўлса, иккинчиси ота-оналар таклиф ва истакларини эътиборга олинганлигидир. Қисқа фурсатларда шаҳар ташқарисида барча шарт-шароитларга эга оромгоҳлар ташкил этиш вазифаси касаба уюшмалари зиммасига тушди. Имкониятларни тўла ишга солишга интилдик. Вилоятдаги энг баҳаво гўшалар мўлжалланди. Туман ҳокимликлари, ҳомий ташкилотлар ҳам қўл қовуштириб турмади. Қисқаси мавсумий оромгоҳлар учун энг мақбул жойлар топилди. Бинолар, ўйингоҳлар, чўмилиш ҳавзалари таъмирланди, тартибга келтирилди. Шундай қилиб энг асосий қулайликларга эга бўлган 13 та мавсумий оромгоҳга эга бўлдик. Ҳозир у ерларда вилоятимизнинг шаҳару-қишлоқларидан келган 1800 нафардан ортиқ ўқувчилар ҳордиқ чиқаришмоқда.

Оромгоҳларда шарт-шароит яратиш ва таъминотда узилишларга йўл қўйилмаяпти. Бунда оталиқ ташкилотларининг мадади катта бўлаяпти.

Сирдарё матлубот-савдо ҳиссадорлик жамияти ўз тасарруфидаги «Матлуботчи» дам олиш оромгоҳини Сирдарё туманидаги санаторий-профилакторийларга жойлаштирди. Улар бу даволаниш, ҳам дам олиш масканига 200 минг сўмлик ижара ҳақини тўлашни ҳам ўз зиммаларига олишган. Бу ерда ҳозир 300 нафардан ортиқ ёшлар дам олиб, саломатликларини тиклашаяпти. Боёвут туманидаги «Тараққиёт» кооператив хўжалигидаги 69- мактаб интернат эса ўз бағрига 500 нафардан ошиқ болани олди. Тажрибали мураббий Аҳтам Ҳотамов ташаббуси билан сўлим хиёбонларда ўзбек халқ эртаклари қаҳрамонларини акс эттирувчи ҳайкаллар барпо этилган . Мўъжаз ўйингоҳ, дид билан безатилган маънавият ва маърифат хонаси, кутубхона ёшлар ихтиёрида.

Гулистон шаҳридаги оромгоҳларда дам олувчилар учун сузиш бассейнида машғулотлар ўтказиш йўлга қўйилган. Оромгоҳлар ўртасида спорт беллашувлари, йўл ҳаракати хавфсизлигига доир мусобақалар ўтказилмоқда.

Вилоятимиздаги ёшларни дам олдириш мақсадида 30 га яқин мактаб қошида оромгоҳлар ташкил этдик. Уларда биринчи босқичда 2662 нафар бошланғич синф ўқувчилари ҳордиқ чиқаришди. Ушбу тадбирни ташкил этишга ижтимоий суғурта касаба уюшма маблағларидан 13 миллион сўм атрофида пул сарфланди. Касаба уюшмалари бу йилги мавсумда болаларни дам олдириш учун 23529,56 минг сўм сарфлашни режалаштирган. Мавсумда 4480 нафар болалар бундай имтиёздан фойдаланишади.

Хуллас, ёшларнинг таътили эсда қоларли бўлиши учун барча чора-тадбирлар кўрилаяпти.

**Қаршибой ЭШНАЗАРОВ,**
**Сирдарё вилоят касаба уюшмалари Кенгаши раиси ўринбосари.**



## ТОҒ БАҒРИДА, МЕҲР ОҒУШИДА

***Шаҳрисабзга кираверишда Амур Темур шоҳ кўчасининг чап томонида жойлашган «Ўзбурғунефтегаз» акционерлик компанияси тасарруфидаги Беруний номли оромгоҳда 400 нафардан ортиқ бола ёзги таътилларини мароқли ўтказмоқда. Бу ерга нафақат Қашқадарё, балки Оролбўйидан ҳам тармоқ хизматчиларининг фарзандлари келишган. Шунингдек, дам олувчилар орасида Қоровулбозор, Олот, Қарши, Муборак, Косон туманларидан ўқувчилар бор.***



Оромгоҳда болаларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш учун барча шарт-шароитлар яратилган. 12 гуруҳга бўлинган дам олувчиларга 24 нафар етакчи, 24 нафар тарбиячилар бош-қош. Улар аниқ дастур асосида машғулот олиб бораяптилар.

— Ўтган икки босқичда 834 нафар болалар дам олиб, соғликларини тикладилар, — дейди оромгоҳ раҳбари Лутфулла Каримов. — Олий тоифали шифокор Кенжа Саъдиев раҳбарлигидаги саломатлик посбонлари болаларнинг аҳволи-руҳидан кеча-кундуз бохабар. Оталиқ ташкилот «Ўзбурғунефтегаз» акционерлик компанияси эса ҳозиргача соғломлаштириш учун республика соғлиқни сақлаш вазирлигининг 194-сонли қарорига асосан 110 минг сўмлик дори-дармонлар билан таъминлади.

Соғлом авлод йилида, табиийки, асосий эътибор болаларнинг саломатликларини муҳофаза қилишга қаратилган.

Оромгоҳда «Моҳир қўллар», «Спорт», «Бичиш-тикиш», «Бадиий ҳаваскорлик» каби 10 га яқин тўгаракларда болалар ўз маҳоратларини синаб кўрмоқдалар.

Биз «Компьютер» тўгараги қатнашчилари билан суҳбатда бўлдик.

— Мен Қарши шаҳридаги 29-мактабда ўқийман, — дейди Эркин Нуров. — Асқар Очилов раҳбарлигида компьютер билан ишлашни мукаммал ўрганиб олдим. Умуман мактабда ўқиб ўрганолмаган фанларимни бу ерда ўзлаштира олганимдан хурсандман.

Оромгоҳдаги жонли бурчак диққатимизни тортди. Бу ерда тўтиқуш, каклик, каптар сингари қушлар махсус жойда парвариш қилинмоқда. Ён томонда қурилаётган қўшимча бинода қуёнлар парваришланаётир.

— Шу йилнинг феврал ойида 4 бош қуён олган эдик, — дейди оромгоҳ етакчиси Баҳодир Норқулов. — Ҳозир уларнинг сони 50 тага етди. Бу, биринчидан, болалар тарбиясида қўл келса, иккинчидан, моддий базамизни мустаҳкамлашга ҳам хизмат қилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, мавсум олдидан оромгоҳда 7 миллион сўмлик таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Ётоқхона, ошхона, ҳаммом, чўмилиш ҳавзалари тўлиқ таъмирдан чиқди. «Ўзбурғунефтегаз» акционерлик компанияси бирлашган касаба уюшма қўмитаси раиси Ғолиб Қурбонов, касаба уюшмалари вилоят тармоқ ходимлари вақти-вақти билан болалар ҳузурида бўлиб, туришади. Қадимий жойларга саёҳатлар уюштириш, кекса авлод вакиллари билан учрашувлар, рассомлар кўргазмаси сингари тадбирлар ўқувчиларда катта таассурот қолдирмоқда.

Мавсум давомида бу ерда 1400 нафар бола дам олиб, соғликларини тиклайдилар.

**Шавкат СУЛТОН,**
**«Ишонч» мухбири.**

## ЭНГ ЯХШИ РАСМЛАР КЎРИГИ

2000 йил — Соғлом авлод йили деб аталиши муносабати билан ёз фаслида болаларни соғломлаштириш, уларни ҳам жисмонан, ҳам маънан баркамол қилиб тарбиялаш ишларига ҳар йилгидан ҳам кўпроқ аҳамият берилмоқда. «Ўзулгуржибиржасавдо» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятига қарашли «Нилуфар» болалар соғломлаштириш оромгоҳи меҳнат жамоаси ҳам бу йилги мавсумни алоҳида тайёргарлик билан кутиб олди. Болалар дам оладиган хоналар, ўйин майдончалари, ётоқхоналар сифатли таъмирланди. Уларнинг мазмунли дам олишларини таъминлаш мақсадида махсус режалар ишлаб чиқдик. Айни пайтда ишларни ана шу режалар асосида ташкил этмоқдамиз.

Маълумки, бола она табиатга меҳр-муҳаббат руҳида тарбия топса, унинг қалбида эзгулик уруғлари ниш уравермади. Шунинг учун ҳам биз экологик тарбияга катта эътибор бермоқдамиз.

Жумладан, кичик ёшдаги болалар билан она юрт табиати, ҳайвонот дунёси ҳақида суҳбатлар ўтказдик. «Дунё болалар кўзи билан», «Мен гулларни севаман» мавзуларида энг яхши расмлар кўриги ташкил этилди. Болажонлар бу кўрикда ўзларининг табиат ҳақидаги содда тасаввурлари билан иштирок этдилар.

Шифобахш ўсимликлар кўргазмасида иштирок этганлар эса, ўзлари келтирган ўсимликларга изоҳ бериб, уларнинг шифобахш хусусияти ҳақида гапирдилар.

Катта ёшдаги болалар ўртасида ўтказилган кўрик айниқса қизиқарли бўлди. Унда Оқтошда ўсадиган, тиббий мақсадларда ишлатиладиган ўсимликлардан гербарийлар ташкил этилди. Болалар «Жонажон ўлкада ҳайвонлар дунёси» мавзусида пластилин ва лойдан ҳар хил шаклчалар ясадилар.

Соғломлаштириш оромгоҳимизга биринчи босқичда 250 нафар болалар қабул қилинган бўлса, иккинчи босқичда ҳам худди шунча бола мириқиб хордиқ чиқаришмоқда.

**Д.ҲАЙДАРОВА,**
**«Нилуфар» болалар соғломлаштириш оромгоҳи катта етакчиси.**

## «ГУЛНОРА»ДА БИР КУН

Бизни оромгоҳ раҳбари Ғофуржон Норов спорт майдони томон бошлади. Шу пайт бош етакчи Г.Раҳмонова бугун «Лочин» оромгоҳи жамоаси билан спорт мусобақалари бўлиши ҳақидаги хабарни етказди. Кўп ўтмай «Лочин»-да дам олаётган болалар ташриф буюришди. Шу куни ҳар иккала оромгоҳ ўртасида катта спорт мусобақаси ўтказилди. Спортнинг футбол, волейбол, кураш турлари бўйича бўлиб ўтган беллашувларда ҳар иккала жамоа ўз маҳоратларини намойиш этдилар. Мусобақалар якунлангач, ўғил-қизлар соя-салқин дарахтлар остидаги майдончага тўпланишди. Бу ерда санъакорларнинг чиқишлари кичкинтойларга олам-олам қувонч бағишлади.

Дарвоқе, «Гулнора» оромгоҳида дам олаётган болажонлар ҳар бир кунини ана шундай мароқли ва мазмунли ўтказадилар. Бу ерда айни пайтда Шаҳрисабз туман хўжаликлари меҳнаткашларининг 400 дан ортиқ фарзандлари ёзги таътилларини ўтказмоқдалар. Умумий майдони 8 гектарни ташкил этадиган дам олиш масканида барча қулайликлар яратилган.

— Болаларнинг ҳар бир кунини эсда қоларли тарзда ўтказиш учун аниқ дастур асосида иш олиб боряпмиз, - дейди бош етакчи Гулбаҳор Раҳмонова. - Жумладан, «Балли йигитлар», «Жажжи гўзал», «Даврага кел, дугонажон» сингари тадбирларни мунтазам ўтказиб турибмиз.

Шуниси диққатга сазоворки, оромгоҳда «Ёш табиатсеварлар», «Бичиш-тикиш», «Ёш гулчилар» сингари 15 га яқин тўгарак мунтазам фаолият кўрсатяпти. «Маънавият ва маърифат» хонасида Соғлом авлод йилига бағишланган деворий газета, «Соғлом авлод - келажак пойдевори», «Ёз қўйнида биз, дам оламиз соз» сингари бурчаклар ташкил этилган.

Туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси тасарруфидаги «Гулнора» ва «Гулистон» оромгоҳлари учун Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси вилоят қўмитаси томонидан ижтимоий суғурта ҳисобидан 3,5 миллион сўм маблағ таъмирлашга сарфланди. Оромгоҳларга туман хўжаликларидан қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етказиб турилибди. Касаба уюшмалари туман тармоқ қўмитаси вакиллари вақти-вақти билан оромгоҳга камчиликларни бартараф этишда кўмаклашаётирлар.

**У.ИСМОИЛОВА,**
**Ў.НОРМОНОВА.**

**ЁЗ ЎТМОҚДА СОЗ**

## ФАЙЗИ ЎЗГАЧА ОРОМГОҲ

Оромгоҳ ишга туширилгандан бери ўтган давр мобайнида бу масканда меҳнаткашларнинг 10 мингдан зиёд фарзандлари ҳордиқ чиқаришди. Бу борадаги ишлар, яъни болаларни соғломлаштиришга қаратилган фаолият мустақиллик йилларида ўзгача маъно касб этди. Чунки Ватанимизнинг буюк келажагини таъминлаш учун соғлом, баркамол авлодни вояга етказиш асосий мақсад қилиб қўйилди. Президентимиз Ислом Каримовнинг «Соғлом авлодни тарбиялаш буюк давлат пойдеворини, фаровон ҳаёт асосини қуриш демакдир» - деган сўзлари фаолиятимизнинг бош йўналишини белгилайди.

Абдулла Мўминов номли болалар оромгоҳи туман марказида, баҳаво, сўлим гўшада жойлашган. Ҳар йили оромгоҳда 600 дан зиёд ўғил-қизлар дам олдирилади. Соғломлаштириш мавсумини талаб даражасида ўтказиш учун жорий йилда 1,4 миллион сўм сарфланди. Ана шу маблағнинг ярми оромгоҳнинг ёрдамчи хўжалиги даромади ҳисобидан қопланди. Шу ўринда айтиш керакки, 10 гектар ерда ёрдамчи хўжалик ташкил этилиб, бир неча йиллардан буён ғалла, картошка, пиёз, сабзи, карам, помидор, бодринг, нўхат, турли мевалар етиштирилмоқда. Олинаётган ҳосил эвазига келган даромад йўлланманинг ота-оналардан олинадиган қисмини, оромгоҳ ходимларининг овқатланиш харажатларини, оромгоҳни таъмирлаш, жиҳозлаш, безаш харажатларини қоплашга сарфланмоқда.

Шу билан бирга асосий эътибор болаларнинг маънавий баркамол бўлишига, жисмоний чиниқишига қаратилмоқда. Тарбиявий ишлар мустақиллик ғоялари билан йўғрилган. Болаларни Ватанга садоқат руҳида, соғлом, чаққон, иродали, интизомли, билимли қилиб тарбиялаш, касб-ҳунарга қизиқтириш, янгиликлар ва ўзгаришлардан хабардор қилиб бориш доимий эътиборимизда. Бунинг учун оромгоҳдаги мавжуд имкониятлардан, яъни радио, телевизор, матбуот нашрлари, кутубхонадан самарали фойдаланаяпмиз. Маданий-маърифий тадбирлар ҳам мунтазам ўтказилмоқда. «Соғлом авлод» йили муносабати билан спорт ўйинлари кенг кўламда ташкил этилаяпти. Хусусан, футбол, волейбол, шахмат-шашка, енгил атлетика, қўл жанги, бокс, кураш, стол тенниси мусобақалари болаларда катта қизиқиш уйғотди. Муҳими, тадбирлар ва мусобақалар ғолибларига оромгоҳ маъмурияти ва туман АСМ ходимлари қўмитаси томонидан берилган совғалар улар учун сервазқ кунлардан эсдалик бўлиб қолади.

Бундан ташқари, оромгоҳда ишлаб турган гиламдўзлик, соатсозлик, тикувчилик, рассомлик, ҳайкалтарошлик каби ўнлаб тўгаракларда болалар турли касб-ҳунар асосларини ўзлаштирмоқдалар. Касбга қизиқтириш эса бола тарбиясида ҳал қилувчи омил ҳисобланади. Қисқаси, оромгоҳда ўтган кунлар болалар учун нафақат ҳордиқ дамлари, балки билимларни бойитиш, маънавий улғайиш, жисмоний чиниқиш даври ҳам бўлиб қолишини истаймиз.

**А.РАЗЗОҚОВ,**
**Каттақўрғон туманидаги А.Мўминов номли оромгоҳ раҳбари.**

***Саволларингизга Ўзбекистон агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси меҳнаткашларни ижтимоий ва иқтисодий ҳимоя қилиш бўлими мудири, ҳуқуқшунос Неъматжон ХОЛБОЕВ жавоб беради***

**Савол: Васиятномани расмийлаштириш тартиби ҳақида тушунча берсангиз. Васиятнома фақат қариндошларга бериладими ёки қариндошлиги бўлмаган бошқа фуқароларга ҳам берилиши мумкинми? Яна бир савол: Бир ишни кўрган судья ушбу ишни иккинчи марта яна қайта кўриши мумкинми?**

**Қувват АКРОМОВ,**
**Жомбой тумани.**

**Жавоб:** Васиятнома фуқаронинг ўзига тегишли бўлган мол-мулкини ёки ушбу мол-мулкнинг ўзи вафот этган тақдирда бошқа шахсга ўтказиш хусусидаги хоҳиш-истагини билдирувчи расмий ҳужжатдир. Васиятнома шахсан тузилиши лозим.

Фуқаролик Кодексининг 1120- моддасига биноан фуқаро ўзининг барча мол-мулкини ёки унинг муайян қисмини қонун бўйича меросхўрлар доирасига кирадиган, шунингдек, кирмайдиган бир ёки бир неча шахсларга, давлат ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига васият қилиши мумкин.

Иккинчи саволингизга жавобан шуни айтишимиз мумкинки, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига асосан — биринчи инстанция ёки кассация инстанциясининг судларида ёхуд назорат тартибида ишни кўришда иштирок этган судья унинг иштирокида чиқарилган ҳукм, ажрим, ҳал қилув қарори бекор қилинганидан кейин ўша ишни қайта кўришда иштирок эта олмайди.

**Савол: 1968-1974 йиллардаги 5 йиллик ойлик маошларим тўғрисидаги маълумотномани қаердан олишим мумкин?**

**Раҳмат ҚОДИРОВ,**
**Бойсун тумани.**

**Жавоб:** Ўзбекистон Республикасининг «Архивлар тўғрисида»ги Қонунининг 7-моддасига асосан архив ҳужжатларини доимий сақлаш ҳуқуқи белгиланган бўлиб, давлат архив жамғармасининг ҳужжатлари давлат ҳужжатхоналарида доимий сақланиши керак. Ҳужжатларни қабул қилиш ва рўйхатдан ўтказишни амалга оширадиган, уларнинг сақланиши ва улардан фойдаланишни таъминлайдиган давлат архивлари ва уларнинг филиаллари давлат архиви жамғармаси ҳужжатларининг асосий ҳужжатхоналари ҳисобланади.

5 йиллик иш ҳақи бўйича маълумотнома олиш учун Сиз давлат архивига мурожаат қилишингиз лозим.

**Савол: Ўқитувчиларни тиббий кўрикдан ўтказиш тартиби ҳақида маълумот берсангиз. Тиббий кўрикдан ўтолмаган ўқитувчи вазифасига қўйиладими?**

**Собиржон ОЛИМОВ,**
**Тўрақўрғон тумани.**

**Жавоб**: Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 6 майда қабул қилинган «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонунининг 17-моддасига асосан мажбурий тиббий кўриклар белгиланган бўлиб, унга кўра корхона соғлиқни сақлаш идоралари томонидан белгиланган тартибга мувофиқ бир қатор касблар ва ишлаб чиқариш ходимларини меҳнат шартномасини имзолаш пайтида — дастлабки тарзда ва меҳнат шартномасига амал қилинадиган даврда вақти-вақти билан тиббий кўрикдан ўтказишни ташкил қилиши шарт. Ходимлар тиббий кўриклардан ўтишдан бош тортишга ҳақли эмаслар.

Агарда ходимлар тиббий кўрикдан ўтишдан бош тортсалар ёки ўтказилган текширишларнинг натижалари бўйича тиббий комиссиялар тавсияларини бажармасалар, маъмурият уларни ишга қўймаслик ҳуқуқига эга.

Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, ходим саломатлигининг ёмонлашишини меҳнат шароити билан боғлиқ деб ҳисобласа, у навбатдан ташқари тиббий кўрик ўтказилишини талаб қилиш ҳуқуқига ҳам эга.

Тиббий кўрикларни ўтказиш пайтида ходимнинг иш жойи (лавозими) ва ўртача иш ҳақи сақланади.

## ҲУҚУҚИЙ МАСЛАҲАТХОНА



**Савол: Мен 25 йиллик стаж билан 58 ёшдан имтиёзли пенсияга чиқишим мумкинми?**

**Суюн ҲАКИМОВ,**
**Нуробод тумани.**

**Жавоб:** Ўзбекистон Республикасининг «Пенсия тўғрисида»ги Қонунига асосан «ёшга доир пенсия олиш ҳуқуқига эркаклар 60 ёшга тўлганда ва иш стажлари камида 25 йил, аёллар эса 54 ёшга тўлганда ва иш стажлари камида 20 йил бўлган тақдирда берилади».

Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонунининг 12-моддасига асосан умумий белгиланган ёшни 5 йилга қисқартирган ҳолда пенсия олиш ҳуқуқи белгиланган, яъни охирги иш жойидан қатъий назар, қуйидагилар 5 йилга қисқартирилган ҳолда пенсия олиш ҳуқуқига эга бўладилар:

а) уруш ногиронлари ва уларга тенглаштирилган шахслар;

б) меҳнат шароити зарарли ва оғир ишларда тўлиқ иш куни давомида банд бўлган ходимлар:

эркаклар — иш стажи камида 25 йил бўлиб, бундан камида 12 йилу 6 ойи кўрсатиб ўтилган ишларга тўғри келса;

аёллар — иш стажи камида 20 йил бўлиб, бундан камида 10 йили кўрсатиб ўтилган ишларга тўғри келган тақдирда.

Меҳнат шароити зарарли ва оғир ишларда — эркаклар камида 6 йилу 3 ой, аёллар эса камида 5 йил ишлаган ходимларга пенсия (эркаклар 60 ёш, аёллар 54 ёш) назарда тутилган пенсия ёши эркакларнинг бундай ишдаги ҳар 2 йилу 6 ойи ва аёлларнинг бундай ишдаги ҳар 2 йили учун 1 йилга қисқартирилган ҳолда тайинланади;

в) қишлоқ хўжалигининг айрим тоифалари —

эркаклар — умумий меҳнат стажи камида 25 йил бўлиб, бундан камида 20 йили кўрсатиб ўтилган ишларга тўғри келган тақдирда;

аёллар учун — умумий иш стажи камида 20 йил бўлиб, бундан камида 15 йили кўрсатиб ўтилган ишларга тўғри келган тақдирда;

г) тракторчи-машинист, тракторлар ва экскаваторлар негизида йиғилган қурилиш, йўлсозлик ва юк ортиш-тушириш машиналарининг машинисти бўлиб ишлаган аёллар — умумий иш стажи камида 20 йил бўлиб, бундан камида 15 йили кўрсатиб ўтилган ишларга тўғри келган тақдирда;

д) авиация муҳандис-техниклари таркибининг ходимлари:

эркаклар — авиациядаги умумий иш стажи камида 25 йил бўлиб, бундан камида 20 йили кўрсатиб ўтилган вазифаларга тўғри келса:

аёллар — авиациядаги умумий стажи камида 20 йил бўлиб, бундан камида 15 йили кўрсатиб ўтилган вазифаларга тўғри келса;

е) тўқимачилик ишлаб чиқариши дастгоҳлари ва машиналарида ишлаган аёллар — кўрсатиб ўтилган ишдаги стажи камида 20 йил бўлган тақдирда;

з) беш ва ундан ортиқ фарзанд туққан ва уларни саккиз ёшгача тарбиялаган аёллар ҳамда болаликдан ногирон фарзандларнинг оналари уларни шу ёшгача тарбиялаган бўлсалар — болани парваришлаш учун кетган вақтни қўшиб ҳисоблаганда иш стажи камида 20 йил бўлса ёки болани парваришлаш учун кетган вақт қўшилмаганда иш стажи камида 15 йил бўлган тақдирда.

Башарти, аёл ўгай ўғил ва ўгай қизни 8 ёшга тўлгунча камида 5 йил тарбиялаган бўлса, пенсия тайинлашда улар ҳақиқий фарзандлар билан тенг равишда ҳисобга олинадилар;

к) ўқитувчилар ва бошқа маориф ходимлари — махсус иш стажи камида 25 йил бўлган тақдирда;

л) шифокорлар ва бошқа тиббий ходимлар — махсус иш стажи қишлоқ жойида камида 25 йил ва шаҳарларда 30 йил бўлган тақдирда, умумий белгиланган ёшни 5 йилга қисқартирилган ҳолда имтиёзли пенсия олиш ҳуқуқига эга бўлади.

Шундай қилиб, Сиз махсус иш стажингиз 25 йилни ташкил қилган тақдирда имтиёзли пенсияга чиқишингиз мумкин.

*Туронзамин дарғалари*

# НАЖМИДДИН КУБРО

IX-XII асрларда Шарқда кенг тарқалган тасаввуф-сўфийлик таълимоти Хоразмда ҳам ривож топди. Тасаввуф таълимотини ривожлантиришда Сулаймон Боқирғоний, Паҳлавон Маҳмуд, Носириддин Бурҳонуддин ўғли Рабғузий каби йирик мутасаввуфларнинг хизмати катта бўлди. XII асрнинг бошларида мустақил сўфийлик мактаби «Кубровия»га Хоразмда Нажмиддин Кубро (1145-1221) асос солди. Бу тариқат Ўрта ва Яқин Шарқнинг бошқа ўлкаларига ҳам кенг тарқалди.

Маълумки, тасаввуф илмининг асоси комил инсонни руҳан камолотга етказишдир. Тасаввуфдаги комил инсон ёки «ал-инсон ал-комил» тушунчаси илоҳийлик ва инсонийлик тажассумининг мукаммал ва олий даражаси, одамларнинг бутунликда, азим уйғунликда кўриш орзу-ҳаёллари, камолот машъали бўлиш баробарида аниқ шахслар, яъни «ваиюллоҳ» инсонлар рутбасини тан олиш ҳамдир. Чунки комил инсон барча илмлардан, зоҳирий ва ботиний донишдан бохабар ва доим қалбида ғайб асрори жўш уриб туради.

«Нажмиддин» - диннинг ёрқин юлдузи, «Кубро» - улуғларнинг улуғи», «Шайхи Валийтарош» - валийлар етиштирувчи шайх» деган мўътабар мартаба - унвонлар билан машҳур бўлган Кубровия тариқати мактабининг асосчиси Шайх Аҳмад ибн Умар Абу-л Жаноб Нажмиддин ал-Кубро ал-Хивакий ал-Хоразмий тасаввуфнинг буюк амалиётчи ва назариётчиларидан биридир. У амалий фаолияти ва назарий хулосаларини «Ал-усул ал-ашара» («Тасаввуфнинг ўн асосий қоидаси»), «Алхоиф ул-Ҳоим анлавматиллоим» («Маломат қилувчи маломатидан қўрқувчи ошиқ»). «Рисолат ун-фиссулик» («Сулук ҳақида рисола»), «Ҳидоят уттолибийн» («Изланувчиларни тўғри йўлга солиш»), «Рисолатут турук» («Тариқатлар рисоласи»), «Таволи ут-танавайр» (Ёритиш юлдузлари, порлоқ юлдузлар») номли ва бошқа асарларида жамлаб тасниф этган. Шайх Нажмиддин Кубро тасаввуф тарихида кенг феъллик йўлини тутган алломалардандир. Шайхнинг ўзлари суннийликка эътиқод қўйган зот бўлсалар-да, лекин тариқат мактаби (хонақоси)да 400 дан ортиқ сунний мазҳабли шогирдлар билан бирга шиа мазҳабли мурид (шогирд)лар ҳам таълим олаверган.

Шайх Нажмиддин Кубро «Рисолайи Нажмиддин Кубро» («Нажмиддин Кубро рисоласи»), «Рисолатут-туруқ» («Тариқатлар рисоласи»), «Ал-Усул ал-ашара» (Тасаввуфнинг ўн асосий қоидаси») асарларида Кубровия тариқати мактаби (хонақоси)да ўнта одоб қоидалари асосий сўфий - (шогирд)лар тарбиялашнинг таълим усулларини, яъни Тавба, Зуҳд, Таваккул, Қаноат, Ўзлат, Зикр, Таважжуҳ, Сабр, Муроқаба, Ризо орқали маърифатга эришиш йўлларини ишлаб чиққан эди.

**Тавба!!!** - барча амалларнинг боши. Ўз гуноҳларини англаб, Аллоҳ Таоло олдида тавба қилган ва бундан кейинги ҳаётини фақат илоҳий эзгулик ва саховатга бағишлашга аҳд қилган одамгина тариқатга кира олади. Тавба қилган одам бир ҳаёт тарзини тарк этиб, иккинчисига ўтади, хулқу атворини, аҳлоқини ўзгартиради, ўзини англаш сари сафарга чиқади.

**Зуҳд!!!** - тақво, парҳез демак. Зеро, тавба қилган киши энди ҳаромдан ҳазар қилиб, ҳалолликка юз тутиши лозим.

**Таваккул!!!** - ўз амаллари, фикри ва ишларида ёлғиз Аллоҳга суянишни англатади. Ризқни Аллоҳ беради, инсон тақдирини Аллоҳ белгилайди ва инсон амаллари ҳам Аллоҳ иродаси доирасида бўлиши керак. Чунки инсон барча мавжудот каби фонийдир, у абадий эмас...

Аввало, шуни айтиш лозимки, Нажмиддин Кубро руҳшунос (психолог) олим сифатида сўфий (шогирд)ларнинг маърифат йўлидаги руҳий кечинмалари ва нозик хислатларини пухта билганидан, шунга мувофиқ ўзининг психологик «латоиф» таълимотини ишлаб чиқади. Унга биноан, инсон руҳи кўзга кўринмас бир «латиф» марказлардан иборат. Сўфий (шогирд) айнан шу марказларни яллиғлантириб, ўткирлаштириб бориши ва илғаб олиши даркор. Ана шу «латоиф» инсоннинг илоҳий хислатидир. Сўфий (шогирд) маърифат йўлида риёзатлар чекиб, машқлар давомида бу латоифни турли ҳолатларнинг ўзгариши, ранглар ва шаклларнинг алмашиниши тарзида тасаввур қилади. Нажмиддин Кубро назарида нуқта, доғ ва доира мурид руҳий ҳолатлари ўзгаришида муҳим хизмат қилади. Доира - фалак доираларининг айланиши, доғ - дунё тимсоли ва нуқта - ваҳдатдир. Доира доимий айланишда, у доғни ҳам ўз ичига олади. Аммо булар марказга томон, яъни Нуқта сари интилади. Нуқта моҳиятини англаш орқали Аллоҳ оламини идрок этса бўлади.

**Солижон ҲАСАНОВ.**
*(Давоми бор)*

## Кўҳна номлар

Ўрта Осиёдаги йирик конларнинг аксарияти улар «топилмасдан» анча илгариёқ ота-боболаримизга маълум бўлган экан. Бунинг устига, улар бирон жойнинг номи сифатида харитага ҳам тушиб қолган.

Дарҳақиқат, Ўрта Осиё харитасига қарасангиз, маъноси жиҳатидан маълум қазилма бойликни у ёки бу тарзда ифодалайдиган жой номларига тез-тез дуч келасиз. Масалан, ўлкада талайгина тоғлар, сойлар, қишлоқлар борки, уларга Консой, Конигут, Кумушкон, Мискон, Ҳайдаркон сингари номлар берилган.

Чотқол тоғларида Кумушкон деган қўрғошин кони бор. Қизилқумдаги Тасқазғандан графит, тузкондан туз қазиб олинади.

Лекин, буни қарангки, ота-боболар бундан бир неча асрлар илгариёқ бу жойларга қазилма бойликдан далолат берувчи ном қўйиб кетганлар. Бинобарин, улар Мисконда мис, Қўрғошинконда қўрғошин борлигини биздан анча илгариёқ билган эканлар.



Шўрчи туманидаги Турсунали Рўзматов номли хусусий юмшоқ мебел ишлаб чиқариш фабрикасига тадбиркор инсон Маматқул Жўраев раҳбар бўлганидан буён ишлаб чиқариш қуввати сезиларли ўсди, тайёрланаётган маҳсулотларнинг тури кўпайди, сифати яхшиланди. Бугун фабрикада 22 турдаги шифонерлар, китоб жовонлари, мактаб парталари, болалар боғчалар учун стол-стуллар, жовонлар тайёрланмоқда.

**Суратда: қўли гул уста Баҳодир Норқулов.**

**Дониёр ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.**

*Жиноятга жазо муқаррар*

# ОЛТИНФУРУШЛАР ТУЗОҚҚА ИЛИНДИ

***Пойтахтимизнинг Абдулла Тўқай - «Шаҳрисабз» кўчалари туташган жойда, шунингдек, «Олой» бозори ёнгинасидаги автобусларнинг охирги бекатида хуфёна «олтин бозори» фаолият кўрсатаётганлиги сир эмас. Бу ерда ҳар куни турли миллатга мансуб бўлган ҳеч қаерда ишламайдиган, фойдали меҳнат билан шуғулланмайдиган олтинфурушлар ҳар хил сабабларга кўра «бозор»га ташриф буюрган шахслардан, аниқроғи фуқаролардан заргарлик-олтин зебу-зийнат буюмларини арзон баҳоларда оладилар, кейин эса уларни бир неча баробар қимматига пуллайдилар. Ҳеч қандай чиқимсиз, солиқсиз ноқонуний асосда соф даромад кўрадилар. Бундан ташқари йўл-йўлакай «енг ичида» чет эл валютаси савдоси билан ҳам шуғулланишади. Уларга қарши Тошкент шаҳар ИИББ қошидаги коррупция ва рэкетга қарши курашиш бошқармаси тезкор ходимлари муросасиз кураш олиб бормоқдалар. Қуйида ана шулар ҳақда гап боради:***

Кузатишлар шуни кўрсатдики, ҳар куни «қора бозорда» ўрта ҳисобда 200 дона турли хил олтин буюмлар — узук, зирак, билак узук, бўйинзанжир, тўғноғич кабилар қўлдан қўлга ўтиб сотилади, «бор-барака» қилинади. Олтинфурушлик билан шуғуллаётганларнинг кўпчилиги лўли миллатига мансуб бўлиб, улар турли йўллар билан харид қилган буюмларни «марказ» вакилига топширадилар. Вакил эса маҳаллий аҳолидан арзон баҳоларда сотиб олинган қимматбаҳо буюмларни четга - Молдова ёки Россиядаги вакили ихтиёрига жўнатади. Мана шу йўсинда халқимиз бойлиги бўлган олтин буюмлар четга чиқиб кетмоқда. Масалан, ҳеч қаерда ишламайдиган чайқовчилар: 3. Огли - бир дона олтин тасма, 4 дона узук билан, О.Огли - 3 та олтин узук, 47 минг сўм пул билан, Т.Дектерева - 2 дона узук, уч дона олтин тасма билан қўлга олиндилар (буларнинг ҳаммаси лўлиларнинг Огли масхабига мансуб аёллар).

Олтинфурушлик билан шуғулланган А.Акбаров, А.Ким, Ю.Ли, Т.Вожаковалар ноқонуний фаолиятлари учун Мирзо Улуғбек туман суди томонидан катта жаримага тортилдилар. Бундан ташқари, айрим ҳолларда олтинфурушлар келган мижозларнинг буюмларини «кўрамиз» деб, қалбакиларига алмаштириб ҳам қўядилар. Бу кўча бозори фаолиятидаги яна бир энг хавфли йўналиш фуқаролар уйларидан ўғирланган, зўрлик билан улардан тортиб олинган олтин, заргарлик тақинчоқларининг арзон баҳоларда хуфёна тарзда сотилиши ҳолларидир. Масалан, яқинда, июл ойининг биринчи ҳафтасида «Олой» бозори яқинидаги ана шу «қора бозорда» лўли миллатига мансуб шахс, ҳеч қаерда ишламайдиган, ўғирланган заргарлик буюмларини олиб сотувчи Н.Огли «қизғин фаолият» кўрсатаётганида қўлга тушди. Юнусобод тумани Ички ишлар бошқармаси «Олой» бозори қошидаги жамоат тартибини сақлаш ва таъминлаш милиция таянч пунктининг бошлиғи, милиция зобити Комилжон Янгибоев, патрул пости хизмати милиционери Одил Бойқобилов юқорида қайд қилинган ўғирлик ҳолатини кузатиш асносида уларни жиноят устида қўлга туширдилар. Олмалиқдаги нодир маъданларни қайта ишлаш корхоналаридан бирида қоровуллик бошлиғи бўлган шахс ва уюшган гуруҳ томонидан ўғирланиб парчалаб сотилган 2 килограммдан зиёд олтин ёмбиси ҳам «қора бозор»да ушланган, жиноятчилар ўз қилмишларига яраша суд томонидан жазоланиб, улар мол-мулклари давлат фойдасига мусодара қилинган эди. Айни пайтда эса «Олой» бозорида ўғирланган олтин буюмларни олиб сотганлар жиноий иши юзасидан тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Яна шу фактни ҳам алоҳида таъкидлаш лозимки, олтин буюмлар ва чет эл валютасини олиб сотаётганларнинг барчаси ёш, забардаст эркак ва аёллар бўлиб, уларнинг кўпчилиги ҳеч қаерда ишлашмайди. Айримлари эса Ўзбекистон фуқароси паспортига ҳам эга эмаслар. Улар паспорт, кириш-чиқиш қайди тартиб-қоидаларини қўпол равишда бузган ҳолда хонадонларда хуфёна ижарада яшайдилар.

Шу муносабат билан бир таклиф билдирмоқчиман. Яъни, халқ бойлигининг ҳаром қўлларга тушиб, юртимиздан четга чиқиб кетишининг турли ноқонуний йўлларига тўсиқ қўйиш мақсадида «Олой» бозори ҳудудида дастлабки тажриба тариқасида мутасадди ташкилотлар аҳолидан заргарлик буюмларини нақд пулга сотиб олиш хизматини ташкил этсалар айни муддао бўларди. Бу чора эса солиқ тўламай катта даромад кўраётганлар фаолиятига тўсиқ-ғов бўлармиди?

**Малик НУРИДДИНОВ, журналист.**

## ЭҲМ ТАРИХИДАН

*Ҳисоб машиналари тарихи қизиқ. Бундан беш минг йиллар муқаддам Хитойда ҳисобчилар оддий чўтдан фойдаланганлар.*

*XIX асрнинг 40-йилларида машҳур француз физиги Паскаль отасининг ишини енгиллаштириш учун ғилдиракли арифмометрни кашф қилди.*

*1874 йилда петербурглик муҳандис В.Однер ихчам арифмометр машинани қурди.*

*1912 йилда академик А.Крилов дунёда биринчи марта олий математика масалаларини еча оладиган машина яратди. Ҳисоб ишларини яна ҳам тез бажара оладиган кичкина электр ҳисоб машиналар вужудга келтирилди.*

*Жуда катта сон билан чиқадиган бир қанча муҳим масалалар автомат ҳисоб машиналар бунёдга келтирилгандан кейингина ҳал қилинадиган бўлди.*

*Электр ҳисобчи-триггерларнинг ихтиро қилиниши ҳисоб ишини енгиллаштиришда буюк бурилиш бўлди. 1943 йилда биринчи автомат универсал электрон ҳисоб машина қурилди.*

*Шу тариқа замонавий электрон ҳисоблаш машиналари сари йўл очилди.*

*«Соғлом авлод» дастури амалда*

# ЖОНГА - ЖОН ШИФОКОРЛАР

***Руҳий қувват инсонни жисмоний қувват билан таъминловчи илоҳий мўъжиза бўлиб, ширинсуханлик ва сўз билан ижобий таъсир ўтказиш баъзан беморни ҳам оёққа турғизади. Ахир донолар ширин сўз - жон озиғи, деб бежиз айтмаганлар.***

Тошкентдаги 5-шаҳар юқумли касалликлар шифохонасининг 5-бўлим мудираси, олий тоифали шифокор Севара Мамажонова ушбу сифатларни ўзида мужассам этган шифокорлардан. Шу боис беморлар уни ўз халоскорлари деб билишади.

40 ўринга мўлжалланган бўлимда фаолият кўрсатаётган Севара опа беморларни очиқ чеҳра ва табассум ила қарши олади. Уларнинг ҳар бирига феъл-атвори ва ҳолатига қараб муомала қилади, умидсизликка тушганларга умид улашади. Буни бўлимнинг «Талаб ва таклифлар» китобидаги дил изҳорларидан ҳам билиш мумкин:



«Фарзандим сариқ касаллиги билан оғриб, ушбу шифохонага ётқизилди. Бахтимизга Севара опа каби шифокорлар бор бўлсин, дори-дармонлар ўз йўлига, у кишининг саъй-ҳаракатлари ва далдалари шифо топишимизни тезлаштирди. Қўли енгил шифокорларнинг меҳрибонлиги ва муолажалари сабаб фарзандим дарддан фориғ бўлди.

Энг қийин пайтларда бизга Мавжуда Пўлатова, биринчи тоифали ҳамшира Зарифа Тошмуҳамедовалар мадад бўлдилар. Биз улардан бир умр миннатдормиз !

**Гулноза Бахтиёрова, хизматчи.**

— Даволаниш жараёнида Севара Мамажоновада фақат яхши сифатларнигина пайқадим,- дейди ушбу бўлимда ўғлини даволатган она Сайёра Мусаева. — У киши шу қадар меҳрибонки, беихтиёр яхши кўриб қоласан киши. Ўғлимнинг тез шифо топишида қўйилган аниқ ташхис ва тўғри даволаш, дори-дармонларни танлаш усуллари қўл келди. Биринчи тоифали ҳамширалардан Мавжуда Муҳаммадалиева, Гулноза Маҳкамова, ёш ҳамшира Зуҳра Муҳиддиновалар ҳам беморлар қалбидан жой олганлар...

Ходимлар раҳбардан андоза оладилар, деб бежиз айтмайдилар. Оддий ординаторликдан бўлим бошлиғи, олий тоифали шифокор даражасига кўтарилган С. Мамажонова қўл остидаги барча шифокорларга намуна. Бўлим мудири беморларни қабул қилиш, шифокору ҳамшираларда уларга нисбатан меҳр уйғотиш билан бирга ходимларнинг оилавий шароитларини ҳам ёддан чиқармайди, уларга имкон қадар ёрдам беради. Бу эса жамоанинг аҳиллигини таъминламоқда.

**Муҳаббат ЎРМОНБЕКОВА, «Ишонч» мухбири.**

**Суратда: Ҳамшира М.Муҳаммадалиева муолажа пайтида.**

## ДАВОЛАШ МАСКАНИ ОЧИЛДИ

Хўжайли шаҳри «Гўшт комбинати» қўрғонида янги даволаш маскани фойдаланишга топширилди.

— Даволаш маскани эски бинода жойлашган бўлиб, янги бино қурилиши тўхтаб қолган эди, - деди «Туркистон-пресс» мухбирига бош шифокор Азиза Қулжонова. — Тумандаги «Дўстлик» деҳқон-фермер хўжаликлари уюшмаси маблағ ажратгач, қурилиш давом эттирилди. Натижада жорий йил бошида бино фойдаланишга топширилди. Ҳозир бу ерда 24 нафар шифокор ва ҳамшира 11680 нафар кишига тиббий хизмат кўрсатмоқда. Шифо маскани замонавий тиббий ускуналар ва бошқа керакли жиҳозлар билан таъминланган.

## «СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН» ТАНЛОВИ ҒОЛИБЛАРИ

*Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазирлиги йил бошида болалар ўртасида «Соғлом авлод учун» танловини эълон қилган эди. Танловда болалар боғчаларининг моддий техника имкониятлари, болаларга яратилган шарт-шароитлар, кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш ишлари, ходимларнинг иш тажрибалари ҳисобга олинди. Яқинда шу танловнинг ғолиблари аниқланди. Нукус шаҳридаги 34, Элликқалъа туманидаги 4-болалар боғчалари танлов ғолиби деб топилди. Кегайли туманидаги 2, Чимбой туманидаги 8, Қўнғирот туманидаги 14-болалар боғчалари иккинчи ўринга муносиб деб топилди ва ғолибларга қимматбаҳо совғалар топширилди.*

Тошкент вилояти металлургия ва машинасозлик тармоқ саноати касаба уюшмалари қўмитаси «Вторчермет» ХРУ касабақўм раиси Фомин Юрий Ивановичга волидаи мухтарамаси **Анна Михайловна**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия ва ҳамдардлик билдиради.

ISHONCH

МУАССИС:
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир
Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Ж.Алимхўжаева, М.Одилова, Э.Воҳидов, С.Остонов, М.Расулов, Э.Ёқубов, В.Зверев (бош муҳаррир ўринбосари-«Ишонч-Доверие»), М.Олимов, М.Содиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78, 136-58-45; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама, эълонлар бўлими 56-87-63

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи; 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Умумий адади 14.002 нусха. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Босишга топшириш вақти - 21.00

Топширилди 21.30 Буюртма Г— 624. 1 2 3 4 5 6